

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

45 Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 январь,
3-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 январь,
2016-05-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги
3, 2016-05-сон қарорига
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар
(уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик
даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган
фойда солиғи ставкасини қўллаш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ–2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2016 йил 1 январдан бошлаб мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда уяли алоқа компа-

ниялари деб юритилади) рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини табақалаштирилган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқаради.

2-боб. Рентабеллик даражасини аниқлаш

2. Рентабеллик Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) билан тасдиқланган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-сон шакл (кейинги ўринларда Ҳисобот деб юритилади) кўрсаткичларидан келиб чиқиб қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$P_x = \Phi / T \times 100\%, \text{ бунда:}$$

P_x — рентабелликнинг ҳақиқатдаги даражаси;
 Φ — фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) — Ҳисоботнинг 240-сатри;
 T — сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарихи — Ҳисоботнинг 020-сатри.

3-боб. Рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини қўллаш

3. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари рентабеллик даражасига қараб:

20 фоизгача ва 20 фоиз бўлганда — 7,5 фоиз миқдорида;

20 фоиздан юқори бўлганда — рентабелликнинг 20 фоизлик даражасидан ошадиган фойда суммасининг 50 фоизи миқдорида белгиланган.

4. Рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда белгиланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасига реализациянинг умумий ҳажмидаги экспорт улушига қараб тузатиш киритилмайди.

5. Мазкур Қоидаларнинг 2-бандига мувофиқ ҳисобланган рентабелликнинг ҳақиқатдаги даражаси 20 фоиздан ошмаган ҳолда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг 7,5 фоизлик ставкаси солиқ солинадиган базанинг бутун суммасига қўлланилади.

6. Рентабеллик даражаси 20 фоиздан ошганда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи табақалаштирилган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Бунда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасини аниқлаш учун белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солиш базасининг:

рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлган;

рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлган қисми аниқланади.

7. Рентабеллик даражасининг 20 фоизигача тўғри келадиган солиқ солиш базаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$СБ_{20\%гача} = СБ_x \times ((20\% / P_x) \times 100\%), \text{ бунда:}$$

$СБ_{20\%гача}$ — рентабеллик даражасининг 20 фоизигача тўғри келадиган солиқ солиш базаси;

$СБ_x$ — солиқ солиш базаси (Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобининг 150-сатри);

P_x — рентабелликнинг ҳақиқатдаги даражаси.

8. Рентабеллик даражасининг 20 фоизидан юқори қисмига тўғри келадиган солиқ солиш базаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$СБ_{20\%дан юқори} = СБ_x - СБ_{20\%гача}, \text{ бунда:}$$

$СБ_{20\%дан юқори}$ — рентабеллик даражасининг 20 фоизидан юқори қисмига тўғри келадиган солиқ солиш базаси;

$СБ_x$ — солиқ солиш базаси (Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобининг 150-сатри);

$СБ_{20\%гача}$ — рентабеллик даражасининг 20 фоизигача тўғри келадиган солиқ солиш базаси.

9. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Sigma \Sigma_{\text{солиқ}} = (СБ_{20\%гача} \times 7,5\%) + (СБ_{20\%дан юқори} \times 50\%), \text{ бунда:}$$

$\Sigma \Sigma_{\text{солиқ}}$ — юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси;

$СБ_{20\%гача}$ — рентабеллик даражасининг 20 фоизигача тўғри келадиган солиқ солиш базаси;

$СБ_{20\%дан юқори}$ — рентабеллик даражасининг 20 фоизидан юқори қисмига тўғри келадиган солиқ солиш базаси.

Рентабеллик даражасига қараб солиқ солиш базаси суммасини аниқлаш ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисоблаб чиқаришга доир шартли мисоллар мазкур Қоидаларнинг иловасида келтирилган.

4-боб. Якуний қоидалар

10. Уяли алоқа компанияларидан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тушумларни ҳисобини юритиш мақсадида рентабеллик даражасининг 20 фоизидан юқори қисмига тўғри келадиган юридик шахслар-

дан олинадиган фойда солиғи суммаси тегишли давлат солиқ хизмати органларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очиладиган алоҳида ҳисоб-вараққа ўтказилади.

11. Солиқ тўловчилар мазкур Қоидаларни тўғри қўллаш юзасидан жавобгардирлар.

12. Давлат солиқ хизмати органлари уяли алоқа компаниялари томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади.

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига
ИЛОВА

Рентабеллик даражасига қараб солиқ солиш базаси суммасини аниқлаш ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаришга доир ШАРТЛИ МИСОЛЛАР

Кўрсаткичлар	Сатр коди	1-мисол	2-мисол
		сумма	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» — 2-сон шаклнинг 020-сатри)	010	77 000,0	80 000,0
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» — 2-сон шаклнинг 240-сатри)	020	20 000,0	12 000,0
Рентабелликнинг ҳақиқатдаги даражаси, %да (020-сатр / 010-сатр x 100%)	030	26,0%	15,0%
Солиқ солиш базаси (Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобининг 150-сатри)	040	25 000,0	17 000,0
Солиқ солиш базаси, шу жумладан:	050	х	х
рентабеллик даражасининг 20 фоизигача тўғри келадиган солиқ солиш базаси [040-сатр x ((20% / 030-сатр) x 100%), бироқ 040-сатрдан кўп бўлмаган миқдорда]	051	19 250,0	17 000,0
рентабеллик даражасининг 20 фоизидан юқори қисмига тўғри келадиган солиқ солиш базаси (040-сатр – 051-сатр)	052	5 750,0	0,0

5 (713)-сон

— 19 —

45-46-моддалар

Кўрсаткичлар	Сатр коди	1-мисол	2-мисол
		сумма	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкалари:	060	х	х
рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда	061	7,5%	7,5%
рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда	062	50%	50%
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси — жами (071-сатр + 072-сатр), шу жумладан:	070	4 318,8	1 275,0
рентабеллик даражаси 20 фоизгача бўлганда (051-сатр x 061-сатр)	071	1 443,8	1 275,0
рентабеллик даражаси 20 фоиздан юқори бўлганда (052-сатр x 062-сатр)	072	2 875,0	0,0